

Лаборатория № 18

Мавзу: Дарс типлари.

Мақсад: 1. Ўқувчиларга дарс типларини ўргатиш.

2. Экологик, ватанпарварлик ва бошқа тарбиявий томонларни ўргатиш.

Жихозлар: 1. Бошланғич табиий география дарслиги

2. Атлас

3. Х. Назаров “География ўқитиш методикасидан маърузалар матни”.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Baranskiy N.N. Metodika perepedovaniya ekonomicheskoy geografii (Izd. podgotovleno L.M. Pancheshnikovoy- 2-s izd, pererab.)

2. O. Mo'minov Geografiya o'qitish metodikasi. T. “O'qituvchi”

3. A.B.Darinskiy Geografiya ta'limida o'qitish metodikasi. T. “O'rta va oliy maktab”

4 A. Soliev Mintaqaviy iqtisodiyot. T. “O'qituvchi”

5. A. Qayumov va boshqalar “Jaxon mamlakatlar iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

8. P. Mussaev va boshqalar “O'zbekiston iqtisodiy-ijtimoiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

9. O. Mo'minov, va boshqalar “O'zbekiston tabiiy geografiyasi” T. “O'qituvchi”

Бажариш тартиби: 1. Дарс типларини изоҳланг.

2. Лаборатория дафтарга ёзинг.

Дарслар методик адабиётларда турли хил классификацияда берилган. Баъзи қўлланмада дарс ўқувчилар фаолиятига қараб классификация қилинса, бошқа бир қўлланмада унинг мазмунига қараб, учинчи қўлланмада машғулот ўтказиш усулига қараб классификация қилинади.

Ўқитувчи ишини планлаштиришда дарсларни классификациялаш катта роль ўйнайди. Дидактик мақсадни асос қилиб дарсларни қуйидагича классификация қилиш самарали натижалар беришидан далолат беради:

1) кириш дарси; 2) янги билимларни ўрганиш дарси; 3) аралаш дарс; 4) кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустахкамлаш дарси ва 5) такрорлаш дарси.

Қириш дарси. Кириш дарси одатда янги курс бошланишида ўтказилади. Қириш дарсининг мақсади янги курсни ўрганиш учун ўқувчиларни кўпроқ жалб этишдан иборатдир. Кириш дарсларида ўқувчиларнинг илгари олган билимларига асосланган ҳолда уларни янги курс мазмуни билан таништирилади.

Ўқитувчи бу дарсдан янги курсни ўрганишдаги иш усуллари (кузатиш, карта ва дарсликлар билан ишлаш) билан, асосий ўқув қуроллари (дарслик, атлас, контур карта, дафтар ва ҳ. к.) билан таништиришда фойдаланади. Шунингдек айрим ташкилий талаблар (дарсга қандай тайёргарлик билан келиш, янги билимларни эгаллашда ўқувчиларнинг вазифалари, топшириқлар, амалий ишларни бажариш тартиби ва ҳ. к.)дан ўқувчилар хабардор қилинади.

Янги билимларни ўргакиш дарси. Бу дарснинг асосий мақсади ўқувчиларга янги билим беришдир. Агар ўрганиладиган материалнинг ҳажми кенг, мураккаб ва уни ўзлаштириш учун турли кўрсатмали қуроallar ва воситалар талаб этиладиган бўлса, шу хил дарсдан фойдаланилади. Чорак бошланишида ёки йирик темада, шунингдек, циклон ва антициклонга ўхшаш мураккаб темаларда бутун дарс янги материалларни ўрганишга бағишланиши мумкин.

Дарсларни ўтказиш ўқитувчидан катта куч ва масъулият, маҳорат ва ижод талаб этади. Чунки бундай дарсларда ўқувчилар диққатини ва иш қобилиятини узоқ вақт ўзига жалб қилиб туриш, ўрганиладиган объект ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини моҳирлик билан очиқ кўрсатиш, материалларнинг ўрганиш усуллари янгилаб — ўзгартириб туриш зарур.

Янги материалларни бутун дарс давомида ўрганиладиган бўлганда бир дарсда ҳар хил метод ва усул татбиқ этилади, яъни бир дарсда суҳбат ҳам, ўқитувчининг ҳикояси ҳам, фильмлардан лавҳалар кўрсатиш ҳам, шунингдек материалларни мустақил ўрганиш ҳам тадбиқ этилиши мумкин. Ёмконият мавжуд бўлган тақдирда бу хил дарсларнинг бир қисмини ташқарида ҳам ўтказиш мумкин. Масалан, ВИ синфларда «Ёрнинг глобус ва карталарда тасвирланиши» темасидаги биринчи дарс («Ориентирлаш») да ўқитувчи тушунтиришидан сўнг ўқувчиларни ташқарига олиб чиқиб, горизонт томонларини чамалаб топишни ўргатади.

Аралаш дарс. Аралаш дарс ўз олдига бир неча дидактик мақсад қўйганлиги билан бошқа дарслардан фарқ қилади. Бу дарс ўз олдига янги материалларни ўрганиш ва уларни мустаҳкамлаш, ўқувчилар билимини текшириш, тақрорлаш каби масалаларни мақсад қилиб қўяди. Аралаш дарс ўзининг тузилиши, метод ва усулларида кўра жуда мураккабдир.

География ўқитишда энг кўп татбиқ этиладиган ва оммалашган дарс ҳам худди шу аралаш дарсдир. Аралаш дарсларда турли метод ва усуллардан фойдаланиш мумкин, бу дарсда ўқувчилар билимини текшириш ва уни ҳисобга олиш масалалари бошқа дарсларга қараганда анча осон ҳал этилади.

Ўқитувчиларнинг аксарияти бир қолипда ишлашга ўрганиб қолганлар. Улар дарсни ўтган темани тақрорлашдан бошлайдилар, ўқувчилар билимини аниқлаганларидан кейин янги материални оғзаки баён этадилар, сўнгра мустаҳкамлаб уйга топшириқ берадилар. Дарсни шу зайдда ўтиш таълимтарбия вазифаларини тўлиқ ҳал қила олмайди. Аралаш дарс ўйлаб, оқилона ташкил этилса, ҳар бир дарс ўрганиладиган материалга, ўқув қуролларининг мавжудлиги, ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва савияларига қараб уюштирилса яхши натижа беради.

Кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дарси. Географик кўникма ва малакалар одатда узок вақт давомида шаклланади. Шу билан бирга зарур кўникма ва малакаларни эгаллаш учун амалий ишлар тарзида алоҳида дарс ажратиш эҳтиёжи ҳам туғилади. Бу дарсда асосий эътибор иш усуллариини такомиллаштиришга ёки уларни ўқувчилар томонидан мустақил тадбиқ этишга қаратилади. Олдинги дарсларда берилган билим ва ўқувчилар эгаллай бошлаган кўникмалар мазкур дарсда жамланади ва маълум тартибга туширилади.

Кўникма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дарслари тегишли назарий маълумотлар ўрганилгандан кейин ўтказилади. Масалан, ВИ синфда «Ёрнинг глобус ва карталарда тасвирланиши» темасида географик кенглик ва узунлик ўрганилгандан сўнг, градус тўрини машқ қилиш мақсадида мазкур дарс ташкил этилади. Бундай дарсда ўқувчилар тегишли ўқув қуроллари билан таъминланишлари лозим.

Кўикма ва малакаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дарсларида татбиқ этиладиган билимлар ўқувчилар хотирасида қайта тикланади ва уларга иш усуллари (бажариладиган амалий иш, машқ турлари) тушунтирилади ва кўрсатилади, шундан кейин аввал ўқитувчи раҳбарлигида, сўнгра мустақил равишда бажарилиши лозим бўлган ишга киришилади. Дарс охирида бажарилган ишларга яқун яшаш дарсининг зарур элементларидан ҳисобланади.

Тақрорлаш дарси. Тақрорлаш дарси умумлаштириш ва яқунлаш мақсадида ташкил этилади. Умумлаштирувчи тақрорлаш дарслари йирик тема ўрганиб бўлингандан кейин ўтказилади. Тақрорлаш дарслари, масалан, В синфда «Ёр ва бошқа осмон жисмлари», «Ҳаво», «Сув», «Тоғ жинслари», «Усимлик ва ҳайвонлар, атрофмуҳит» темаларидан кейин; ВИ синфда «Литосфера», «Гидросфера» ва «Атмосфера» темаларидан сўнг; ВИИ синфда ҳар бир материк ўрганиб бўлингач; ВИИИ синфда «Ўзбекистоннинг табиий географик обзори», «Ўзбекистон йирик территорияларининг табиий шароити ва табиий ресурслари» бўлимлари ва «Ўзбекистон табиий географияси» темасидан кейин ўтказилиши мумкин.

Такрорлаш дарсларида тегишли бўлимдаги ҳамма материаллар такрорланмай, асосий эътибор темадаги энг муҳим масалаларни чуқурлаштириш, яқунлаш ва янги билим элементлари билан бойитишга қаратилмоғи лозим.

Такрорлаш дарси темани эслатиш ва ўқитувчининг кириш сўзп билан бошланади. Такрорлаш вақтида янги материални ўрганишда илгари қўлланилган ўқув қуроллари билан бирга такрорлаш учун махсус тайёрланган ўқув қуроллари (яқунловчи мазмундаги схема, график, диаграммалар)дан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, ВИИИ синфда. Ўзбекистон иқлими билан Ғарбий Сибирь иқлимини таққослаш учун йил давомида ҳаво температураси ва ёғинларининг ўзгаришини ифодаловчи диаграмма ва графиклардан, «Ўзбекистон йирик территорияларининг табиий шароити ва табиий ресурслари» дан кейинги умумлаштирувчи такрорлашда фойдаланилади.

Яхши ташкил этилган такрорлаш дарслари ўқувчиларни активлаштиради ва улар бу дарсдан мамнун бўладилар. Такрорлаш дарсларидан яна бири ўқув йили охирида ўтказиладиган яқуний такрорлашдир. Бу дарсда бутун ўқув йили давомида олиб борилган ишларга яқун ясалади, яъни курс давомида ўқувчиларнинг олган билими яқунланади. Ўқув йили охирида ўтказилган яқунловчи такрорлаш дарсида, ўқувчиларнинг йил давомида ишлаган ишлари (контур карталар, география дафтарлари, график ва коллекциялар, альбомлар) кўрсатилади.

Baholash mezonlari.

- 1.Laboratoriya ishiga qatnashib, ish haqidagi nazariy bilimga ega bo'lsa-0,5 ballgacha.*
- 2.Laboratoriyaning mustaqil bajarib natijalar olishga-0,5 ballgacha.*
- 3.Olingan natijalarni hisoblash ishlarini bajarib,mustaqil xulosa chiqara olishiga-0,5 ballgacha.*
- 4.Nazorat savollariga to'g'ri javob berishiga-0,5ballgacha*